



ISSN (E): 2181-4570


ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИДАН БИРИБЎЛГАН “ ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБГА ОЛИШ” ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси 3 - ўқув
курси 307- гуруҳ курсанти
Маннобжонов Қудратилло Эркинбой ўғли

Аннотация : Ушбу мақолада Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларидан бири бўлган “ профилактик ҳисобга олиш ” фаолияти , профилактик ҳисобга олиш қандай тоифадаги шахсларга нисбатан юритилиши, профилактик ҳисобга олиш ким томонидан ва қандай тартибда юритилиши , шахсни профилактик ҳисобга олишнинг ҳуқуқий асослари , қандай омиллар шахсни профилактик ҳисобга олиш учун сабаб бўлиши ҳақида фикр алмашилган .

Калит сўзлар: Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, профилактик ҳисобга олиш ” фаолияти , шахсни профилактик ҳисобга олишдан мақсад , профилактик ҳисобга олиш фаолияти юритилиши лозим бўлган шахслар

Мамлакатимизда , хуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт - шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора - тадбирлари Ички ишлар органлари томонидан кенг қўлланилади . Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора - тад бирлари ўзи, аввало хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини бевосита амалга ошириш ваколатига эга бўлган профилактика инспекторлари томонидан ёки турли давлат органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда, ғайриижтимоий хулқ - атворли , хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган , хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш , уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш шунингдек бундай тоифадаги шахсларга нисбатан индивидуал ёндашувни, мажбурлов ва чекловларни қўллашни тақазо этади. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларидан бири бўлган “ профилактик ҳисобга олиш ” фаолияти якка тартибдаги профилактиканинг энг самарали чора-тадбирларидан бири





ҳисобланади . Профилактик ҳисобга олиш белгиланган тоифадаги шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш учун амалга оширилади .

Профилактик ҳисобга олиш қуйидаги шахсларга нисбатан юритилади :

- Илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг ўзига нисбатан маъмурий назорат назорат ўрнатилга шахслар бундан мустасно,
- ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар;
- Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала хал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реблитация қилмайдигон асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;
- ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси тайнланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;
- Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 1651, 183, 184, 1841, 1842, 1843, 187, 188, 1881, 189, 1891, 190, 191, 201, 202, 2021, 240, 241-моддаларида назарга тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;
- ихтисослаштирилган ўқув - тарбия муассасаларидан қайтганларга.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қуйидагилар асос бўлади¹:

1 ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

2 ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

3 ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори; суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;

4 шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

¹ 2016 – йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни





5 вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг қарори.

Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади.

Шахснинг хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахс профилактик ҳисобга қўйилган кунда ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади .


Шахсни профилактик ҳисобга олишдан мақсад мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларга риояетиш руҳида, тарбиялаш, шахсни жамиятга мослаштириш ва унга қўлдан келганча вақотатимиз доирасида ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ёрдам бериш чораларини ташкиллаштиришдан иборат . Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати шахс профилактик ҳисобга илнган кундан эътиборан 1 йил муддатгача этиб белгиланган . Агар профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш даврида юқорида назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади².

Шу ўринда шахсни профилактик ҳисодан чиқариш тартиби ва асослари ҳам “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги³ қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган, унга кўра:

- профилактик ҳисобга олиш муддатининг тугаши;
- реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;
- суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;
- камокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;
- шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

²2016 йил 14 сентябрдаги “ Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида ”ги қонуни

³2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни





➤ профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;

➤ профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Юқорида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимнинг, бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг чора тадбирларидан бири бўлган профилактик ҳисобга олиш фаолияти ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан муайян тоифадаги шахсларнинг тузалиши ва тақроран ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишининг олдини олиш учун самарали чора -тадбир сифатида баҳоланади .

Юқоридагилардан келиб чиқиб профилактик ҳисобга олиш фаолияти жамиятимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш шунингдек жиноят ва ҳуқуқбузарликларни содир этишга имкон берган шарт – шароитларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади . Шу ўринда таъкидлаш жоизки ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларидан бири бўлган “ профилактик ҳисобга олиш ”фаолияти яқка тартибдаги профилактиканинг энг самарали чора-тадбирларидан бири бўлиб Ички ишлар органларидан юксак маъсулят талаб этади ва жиноятчиликни барвақт олдини олишга имкон яратади .

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2016 – йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни
2. 2016 йил 14 сентябрдаги “ Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида ”ги қонуни
3. 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни
4. 20.01.2023 - йил “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги 10-сонли ПҚ
5. 5.29.11.2021- йил “ Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсзлиги концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги 27-сонли ПФ .

